

See discussions, stats, and author profiles for this publication at: <https://www.researchgate.net/publication/346588976>

Ashurali Zohiriy – jadid kurashchisi

Thesis · March 2019

CITATIONS

0

READS

178

1 author:



[Tulqin Togayev](#)

Tashkent State University of Uzbek language and literature

12 PUBLICATIONS 1 CITATION

SEE PROFILE

ХАЛЫҚАРАЛЫҚ ТҮРКІ АКАДЕМИЯСЫ
INTERNATIONAL TURKIC ACADEMY
МЕЖДУНАРОДНАЯ ТЮРКСКАЯ АКАДЕМИЯ



«ҰЛЫ ДАЛА»
IV-ші ГУМАНИТАРЛЫҚ ҒЫЛЫМДАР
ФОРУМЫНЫҢ МАТЕРИАЛДАРЫ

PAPERS PRESENTED TO THE IVst
FORUM OF SOCIAL SCIENCES
“THE GREAT STEPPE”

МАТЕРИАЛЫ IV ФОРУМА
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК
«ВЕЛИКАЯ СТЕПЬ»

II

НҮР-СУЛТАН – 2019

ӘОЖ 94 (574)
КБЖ 63.3 (5 Қаз)
Ұ 46

ХАЛЫҚАРАЛЫҚ ТҮРКІ АКАДЕМИЯСЫ

Бас редактор

Қыдырәлі Дархан Қуандықұлы,
т.ғ.д., профессор, ҚР ҰҒА корр.-мүшесі

Редакция алқасы

Жолдасбеков Мырзатай – ф.ғ.д., профессор, ҚР ҰҒА академигі (Қазақстан);
Рэгдэл Дүгэрийн, ж.ғ.д., профессор, МҒА (Моңғолия); Габибейли Иса – ӘР ҰҒА академигі, ф.ғ.д., профессор (Әзербайжан); Васильев Дмитрий Дмитриевич - т.ғ.к., профессор, РЖҒА корр.-мүшесі (Ресей); Ахметов Әділ Құрманжанұлы – ф.ғ.д., профессор (Қазақстан); Қожаоғлу Тимур – филология докторы, профессор (АҚШ); Конкобаев Кадыралы – ф.ғ.д., профессор (Қырғызстан); Көмеков Болат Ешмұхамбетұлы - т.ғ.д., профессор, ҚР ҰҒА академигі (Қазақстан); Асқаров Ахмадали, академик, т.ғ.д.(Әзбекстан); Бутанаев Виктор Яковлевич - т.ғ.д., профессор (Хакасия, РФ); Дыбо Анна Владимировна - ф.ғ.д., профессор, РҒА корр.-мүшесі (Ресей); Исхаков Дамир Мавляевеич – т.ғ.д., профессор (Ресей, Татарстан); Досымбаева Айман – т.ғ.д., профессор (Қазақстан); Шамилоғлу Юлай – филология докторы, профессор (АҚШ).

Ұ 46 «Ұлы Дала». IV-ші халықаралық гуманитарлық ғылымдар форумының материалдары (Екінші бөлім) – Нұр-Сұлтан: «Ғылым» баспасы, 2019. – 976 бет

Бұл жинақта Астана қаласында өткен IV-ші «Ұлы Дала» халықаралық гуманитарлық ғылымдар форумында жасалған баяндамалар мен ғылыми мақалалар жинақталып беріліп отыр.

Жинақ ғалымдарға, студенттер мен ізденушілерге, сонымен қатар жалпы көпшілік оқырманға арналған.

ISBN 978-601-7999-15-9 (II)
ISBN 978-601-7999-13-1 (жалпы)

ӘОЖ 94 (574)
КБЖ 63.3 (5 Қаз)

Невская И. А. / Тыбыкова Л. Н.	
Недавно открытая древнетюркская руническая надпись јодо-і, её прочтение и интерпретация по данным трехмерной фиксации.....	328
Оразбаева А. И.	
Цивилизация кочевников Великой Степи: характеристика и классификация....	339
Ражабов Қ. Қ.	
Түрк цивилизациясининг ўзига хос хусусиятлари.....	351
Сагалаков Э. А.	
К вопросу о происхождении государственности в Хакасии.....	356
Сакович В. А.	
Кульм коня у евразийских народов: от тюрокского наследия к балканской традиции.....	362
Сипош Янош	
О результатах исследования народной музыки тюркских народов (1987-2016).....	372
Смадияров С. А. / Эрмекбай уулу У.	
Байыркы Түрк мамлекеттериндеги династиялык (саясий) никелер жана алардын мамлекеттер аралык алакаларды бекемдөөдөгү ролу (VI – VIII кк.)...384	
Суюнова Н. Х.	
Памятники ногайской словесности в контексте современной тюркской культуры.....	392
Тилекова У.	
Түрк тилдүү элдердеги чачты сыйлоо этикети (XIX аягы – XX башы).....	400
Тишин В. В.	
К исследованию числовых этнонимов у населения внутренней Азии: Otuz Tatar, Toquz Tatar и Altı Tatar.....	405
Тогаев Т. М.	
Ашурали Зоҳирӣ - жади́д кураишчиси.....	413
Түлеубаева С. А.	
Вклад выходцев из Великой степи в развитие мировой лингвистической мысли.....	421
Тычинских З. А.	
Роль мусульман-меценатов в развитии образования и культуры сибирских татар.....	429
Уланов М. С.	
Распространение буддизма среди тюрко-монгольских этносов Великой Степи.....	436
Усанов Р. Т.	
Концепция любви и духовной активности - основа этики ненасилия Фараби.....	445
Хамидуллин Б. Л.	
Золотоордынская цивилизация и ее наследие.....	452
Хамраев А. Т	
Абай и тюркский хуруфизм.....	464
Харсиев Б. М-Г.	
Интеграция экономика и депортация народов Кавказа в годы Великой отечественной войны в Казахстан.....	475
Habibullayev A. M. / Babayar G.	
Emir Timur'un Devlet Yönetiminde “Kengeş” Sistemi.....	482

АШУРАЛИ ЗОҲИРИЙ - ЖАДИД КУРАШЧИСИ

Тоғаев Тўлқин Маманазарович*

ASHURALI ZAHIRIY – THE JADID FIGHTER

ABSTRACT:

The article highlights the intense life, social-political activity, fight for independence, and significant scientific-literary heritage of Ashurali Zohiriy from Kokand – one of the leaders of jadid social movement in Turkistan in the first quarter of the last century.

KEY WORDS: Jadidism, revolution, independence, Bolshevism, school, education.

Ашурали Зоҳирий ўзининг қизгин ижтимоий-сиёсий фаолияти, салмоқли илмий-ижодий мероси билан ўзбек халқининг истиқлол йўлидаги кураши, юксак маданияти тарихида ёрқин из қолдирган сиймолардан биридир. У ўз даврида жадид ижтимоий ҳаракатчилигининг етакчиларидан бири, Бехбудий, Мунавварқори, Фитрат, Қодирий, Чўлпон сингари машҳур эди.

Уйғониш даври маърифатпарвар зиёлилари ҳаёт тақозоси билан ижтимоий-маънавий ҳаётнинг турли соҳаларида иш олиб борганлар. Улар айна пайтда педагог-олим, ёзувчи-шоир, журналист-ношир сифатида ва яна бошқа соҳаларда фаолият кўрсатишган. А.Зоҳирий ҳам бундан мустасно эмас. Олим илмий-маърифий, педагогик, адабий-публицистик фаолияти билан ўзбек халқи маданияти тарихида муносиб ўрин тутди.

Ашурали Зоҳирий 1885 йилда Қўқон шаҳри яқинидаги Ойим қишлоғида туғилди. У бошланғич маълумотни эски мактабда олди. 1897-1914 йиллар давомида Қўқон шаҳридаги Муҳаммад Алихон (Мадалихон) мадрасасида таҳсил кўрди. Бу ерда диний билимлар, тарих, мумтоз адабиётни чуқур ўрганиш билан бирга замоннинг илғор фикрларидан баҳраманд бўлди. Ўз зехни билан араб, форс, турк, озарбайжон, татар ва рус тилларини пухта эгаллади. Мадраса таҳсилини давом эттириш бараварида Қўқон шаҳридаги 2-рус-тузем мактабида ўзбек тили ва адабиётидан дарс берди (1907-1917) [Ашурали Зоҳирий, 1910].

* Филология фанлари номзоди. “Ўзбек тилишунослиги” кафедраси доценти.

Ашурали Зоҳирий 1910 йиллардан бошлаб Туркистон вақтли матбуотида ислом илм-маданияти, диний ахлоқ, янгича таълим-тарбия, миллий тараққиётга оид замон руҳидаги мақолалари билан қатнаша бошлади. Хусусан, у маърифатпарвар машҳур Исмоил Гаспиринскийнинг вафоти муносабати билан ёзган "Машҳур Гаспиринский қандай ишлар қилган?" мақоласида "жадидлар отаси" бўлган Гаспиринскийнинг таржимаи ҳоли, асарларининг ғояси, унинг турк-татар дунёси учун қилган хизматлари ҳақида сўз юритган [Садои Фарғона, 1914]. Зоҳирий Гаспиринский асос солган "усули жадид" ғоясини ўзи ишлаётган мактабларда татбиқ этди.

Асримизнинг унингчи йиллари Туркистон жадидчилиги ҳаракатида, бинобарин, ижтимоий ҳаётнинг кўплаб соҳаларида кизгин бир кўтарилиш палласи бўлган эди. Бу ҳаракат таъсирида адабиётда янги шакллар юзага келиб, янги мазмун кўринишидаги ижтимоий-сиёсий шеърят, реалистик проза ривож топа бошлади, ҳозиржавоб публицистика кучайди, драматургия майдонга келди. Бу даврда театрчиликка асос солинди, миллий матбуот кенгайди. Самарқандда "Ойна" журнали (1913й.), "Самарқанд" газетаси (1913 й), Тошкентда "Садои Туркистон" (1914 й.), Қўқонда "Садои Фарғона" (1914 й.) газеталари нашр қилина бошлади. Туркистон тараққийпарвар кучлари қардош халқлар зиёлилари билан ижтимоий-маънавий соҳада алоқалар ўрнатдилар. Ўлкада маърифат, тараққиёт, ҳуррият, миллий озодлик ғоялари кучая борди. Ижтимоий-сиёсий масалалар муҳим моҳият касб эта бошлади.

Ана шу йилларда Ашурали Зоҳирий қизгин ижтимоий-сиёсий фаолият билан шуғуллана бошлади. Заки Валидий "Хотиралар"ида 1913 йилда Фарғонага келганида жадид зиёлилари мусулмон ўртасида ташкилотчилик ишлари олиб боришдаги фаолиятини, тарғибот ишларини кучайтириш учун туркча "Садои Туркистон" ва русча "Туркистанский голос" газеталари чиқаришни йўлга қўйганликларини ёзади: "Бу газетанинг туркчаси ҳақида Тошкентда адвокат Убайдулла Хўжаев, муаллимлардан Мунаввар Қори ва Қўқонда Ашурали Зоҳирий билан гаплашиб, уларни Вадим Чайкин билан яқиндан таништирдим" [Валидий З., 1993:134].

Газета чиқадиған шаҳарлар, унинг дастури, ғояси белгилангач, "Садои Туркистон" Тошкентда, "Туркистанский голос" Андижонда чиқа бошлади. Изма-из Қўқон шаҳрида "Садои Фарғона" дунё юзини кўрди. Ушбу газета муҳаррири ва ношири

тараққийпарвар, ишбилармон кейинчалик Туркистон мухторияти ҳукумати таркибига кирган Обиджон Маҳмудов эди. Бунда мусахҳих (тузатувчи) бўлиб ишлаётган Ашурали Зоҳирий газета фаолиятининг таянч кучларидан эди.

1917 йил февраль буржуа инқилобини Туркистон жадидлари ҳам беҳад шодлик ва хайрихоҳлик билан кутиб олдилар. Чунки инқилоб эълон қилган Мусовот, Озодлик, Тенглик, Биродарлик шиорлари чор ҳокимияти асоратидаги халқларнинг орзу-истакларига ҳамоҳанг эди. Жадид зиёлилари Февраль инқилоби келтирган имкониятдан фойдаланиб, миллий давлат қуриш гоёларини амалга ошириш йўлида курашга бел боғладилар.

Ашурали Зоҳирий ҳам ўзгаришдан кейин юз берган Туркистон ҳаётидаги ижтимоий-сиёсий воқеаларда қизгин иштирок этди. 1917 йил апрель ойида бўлиб ўтган "Ўлка мусулмонлариининг биринчи курултойи"да Туркистонни Россия Демократик Федератив республикаси таркибидаги Мухтор жумҳурият бўлиши ҳақидаги қарорни ёқлаб чиқди. Туркистон мусулмонлари Ўлка Советининг Фарғона вилояти ташкилотини йўлга қўйишда ғайрат кўрсатди. Матбуот воситасининг халқ оммасига зўр таъсирини чуқур анлаган Ашурали Зоҳирий 1917 йилнинг 1 июнидан она шаҳри Қўқонда ўз муҳаррирлиги остида "Юрт" журналининг чиқара бошлади. "Юрт" техник жиҳатдан ўз замонасидаги журналларнинг энг кўрками эди" [Зиё Саид, 1974: 57].

А. Зоҳирий журналнинг 1-сонидан эълон қилган "Ҳукумат ўзгариши" мақоласида Февраль инқилоби моҳиятини англатар экан, бу фақат берилган бир имконият эканини, чин мақсадга эришиш ҳар бир халқнинг ўзига боғлиқлигини қайта-қайта таъкидлади. "Энди ҳаммага бир кўз билан қаралур экан, ҳамма барабар фойдаланур экан, деб тек ўтирғон билан иш битмас. "Мана сизнинг сўрагонларингиз! Мана сизнинг муддаоларингиз!" - деб ҳеч ким қўйнимизга солиб қўймас... ўз кераклиларимиз ва ўз эҳтиёжларимиз ҳақида индамасак, "Булар шул турмушларига мамнун экан!" - дейдурлар", - дея огоҳлантирди. Зоҳирийнинг "Мақсадга етмоқ учун иттифоқлик ҳар нав зулмдан қутулмоқнинг мукаддимасидур, аммо бундай муҳим фурсатда ғафлат улуғ бир жиноятдур" сингари фикрлари қанчалик ҳақиқат эканлигини Туркистон мухторияти қисматида англаймиз.

Мана шу йиллардаги ўлкадаги ижтимоий-сиёсий ҳаракат ва курашларнинг фаол иштирокчиси Заки Валидий бу ҳақда шундай хотирлайди: "Бошқирд Марказий Шўроси ўлкани бошқариш ишини менга топширди. Туркистонда мухторият кучаймай туриб,

на Бошқирдистон, на Қозоғистонда кенг ёйила олди. Бунда қозоқларнинг кадет фирқасидан бўлган Алихон Букайхон билан Мустафо Чўқай ўғли иккиланишди. Ўзбеклардан муҳаррир Маҳмудхўжа Бехбудий, Ашурали Зоҳирий билан Обид Маҳмудов бу ғояларнинг амалга оширишга умидвор эди" [Валидий 3., 1993:135].

Октябрь тўнтаришидан сўнг Тошкентда ҳам ҳокимиятни большевиклар эгаллагач, Туркистон мустақиллигининг амалга ошиши шубҳа остида қолди. Шундан сўнг Ўлка мусулмонлар совети ташаббуси билан Қўқонда "Туркистон мухторияти" ташкил топди. Аслида бу ҳаракат Октябрь инқилоби ваъда берган ҳуқуқ ва имкониятлар доирасида эди. Ашурали Зоҳирий бу пайтда Мухтор ҳукуматнинг нашр афкорига айланган "Эл байроғи" газетасининг муҳаррирларидан бири бўлиб хизмат қиларди, миллий ҳукуматни сақлаб қолишда, унинг ишларини йўлга қўйишда куч-ғайратини аямади.

Ашурали Зоҳирий Октябрь ўзгаришидан кейин юз берган Туркистон ҳаётидаги ижтимоий-сиёсий воқеаларга фаол иштирок этди. Унинг сиёсий қарашлари маслак жиҳатдан Бехбудий, Заки Валидий, Мунаввар кори Убайдулла Асадуллахўжаев, Обид Маҳмудов қарашлари билан мос тушади.

Шўро ҳукумати миллатларнинг ўз тақдир ва ҳуқуқларини ўзлари тайин қилажаклари ҳақида жар солса-да, ўзининг туб мақсадига зид тушган Туркистон мухториятини миллий мусулмон буржуа ҳукумати санаб, уни халқлар озодлиги, буюк инқилоб номидан қонга ботирди. Ўзбекистонда шўро тузуми мустаҳкамланиб, коммунистик фирқа якка ҳоким бўлиб олгач, жадидлар таъқиб остига олинди ва 1938 йилга келиб деярли қириб ташланди.

Ашурали Зоҳирийнинг илмий-педагогик фаолиятининг бошланиши XX асрнинг бошларига тўғри келади. Бу давр Туркистонда миллий бикиқлик, мусулмон бидъатчилигига қарши кураш, адабий-танқидий, педагогик онгнинг ривожланиши билан кўзга ташланади. Туркистон халқининг миллий-маданий ривожига катта хизмат қилган «Ойна» журнали саҳифаларида Қўқонда товуш усулида дарс бераётган йигирма икки нафар жадид зиёлилари номи кўрсатилган [Хўқандда усули савтия муаллимлари, 1914: 276]. Рўйхат бошида Ашурали ибн Муҳаммадзоҳирнинг тургани унинг ўз даврида жадид ҳаракатчилигининг етакчиларидан бири бўлганини кўрсатади.

Ашурали Зоҳирийнинг маърифатпарварлик соҳасидаги дастлабки иши сифатида С.Оқоев билан ҳамкорликда

туркийзабон мактабларнинг бошланғич синф ўқувчилари учун тузилган «Туркий хрестоматия ёхуд терма китоб» (Қўқон, Шумаков типолитографияси, 1912) дарслигини кўрсатиш мумкин [Ўзбек адабиёти тарихи, 1980:173].

Зоҳирий ўзбек тилида биринчи бўлиб «Имло» дарслигини яратди. Бошланғич мактабларнинг тўртинчи синфи учун мўлжалланган бу китоб Қўқондаги «Ғайрат» кутубхонаси томонидан нашрга тайёрланиб, 1916 йилда Қозонда чоп этилди. Абдурауф Фитрат ўзининг «Сарф» китоби сўзбошида она тили ўқитиш тамойиллари, ўзбек адабий тили қонун-қоидаларини белгилаш, тилининг тараққиёт йўналишларини аниқлаш ҳақида фикр юритар экан, Ашурали Зоҳирийнинг хизматига муносиб баҳо берган эди [Фитрат, 1927: 4].

А.Зоҳирий Қўқон шаҳарда очилган Туркистондаги биринчи дорилмуаллимин - ўқитувчилар тайёрлаш курси (1917 йил, сентябр) ташкилотчиларидан бири ҳисобланади. Ушбу масканда, кейинчалик дорилмуаллимин негизда ташкил этилган Фарғона вилояти таълим тарбия техникумида (1921/22-1926) ўқитувчилик қилди. Бу ўқув юрти ўша пайтда вилоятдаги энг йирик педагогик марказ бўлган. Ушбу даргоҳда Абдулла Қаҳҳор, Собир Абдулла, Усмон Носир сингари ёзувчи-шоирлар таҳсил кўришган. Ҳозирги Қўқон педагогика билим юртига унинг тамал тошини қўйган Ашурали Зоҳирий номи берилди.

Бу даврда Туркистон зиёлилари ўртасида тил-имло масаласида турлича қарашлар, баҳслар боис мактабларда она тили ва адабиёт таълими ёмон аҳволда эди. Мактаб дарсликлари - алифбо ва ўқиш китоблари етишмас, борлари ҳам замон талабига жавоб бермас эди. Ўзбек тилининг қонун-қоидалари юзасидан жиддий илмий тадқиқотлар яратилмаган, ўзбек тили грамматикасига оид дарсликлар эса умуман йўқ эди. Шу сабабли бу давр матбуотида маориф соҳасидаги бу каби камчиликлар кўп марта танқид қилинган. Адабиётшунос олим Абдурахмон Саъдий бу даврда ўрта мактаблар учун ҳануз бир адабиёт мажмуаси (хрестоматия) яратилмаганлигини ҳам таассуф билан ёзиб ўтади.

Ашурали Зоҳирийнинг Чўлпон билан ҳамкорликда «Адабиёт парчалари» дарслик-хрестоматиясини тузиб, 1926 йилда нашр эттириши юқоридаги каби камчиликларни бартараф этишга бир жавоб бўлди [Сулаймон А., 1926]. Мазкур дарсликдаги Навоий, Фаробий, Фузулий таржимаи ҳолига оид мақолалар, «Боболар сўзи» сарлавҳаси остида тўпланган ўзбек халқ мақоллари А.Зоҳирийга тегишли. Ҳозиргача мактаб адабиёт дарсликларидан тушмай келаётган Навоийнинг «Ҳайратул аброр», «Мажолисун нафоис», «Садди Искандарий» каби асарларидан кўплаб

хикоятлар, боблардан парчаларни дастлаб мана шу китобда учратамиз.

Ашурали Зоҳирий ўтмиш алломаларимизнинг ноёб меросидан кенг халқ оммасини баҳраманд этишда катта ишларни амалга оширган. Олимнинг Навоийнинг «Муҳокамат-ул луғатайн» асарини нашр эттиргани фикримизнинг далилидир. Ушбу китобни ўз муҳаррирлиги остида чиқарган «Юрт» журнали (1917) саҳифаларида кенг тарғиб ва ташвиқ қилди. Шунингдек, Юсуф Чингининг «Келурнома» номли чиғатойча-форсча луғатини Ўзбекистонда биринчи бўлиб илмий истифодага олиб кирганини қайд этиш лозим. Олим ушбу асар ҳақида «Маориф ва ўқитғувчи» журналида салмоқли мақола чоп этган.

Ўзбек адабий тилини яратишда Ашурали Зоҳирийнинг хизматлари катта. Абдурахмон Саъдий ўзбек адабий тилининг майдонга келиши, аввало, маърифатпарвар авлоднинг ўз она тилларида китоблар бостириши ва матбуотни йўлга қўйиши орқали бўлганлигини кўрсатиб шундай ёзган эди: «Уйғониш даврида нашрда шуни (*адабий тилни - Т.Т.*) Бехбудий тургузиб, Хожи Муинлар, Ашуралилар уни ишлагучи бўлдилар» [Саъдий А., 1996]. Маърифатпарвар олим ўз мақола ва рисоалари, қўлланма ва луғатлари билан ўзбек тили илмий терминологиясининг таркиб топиши ва ривожланишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Хусусан, Ашурали Зоҳирийнинг «Тил ва имло масаласи» мақоласида адабий тил ҳақида илгари сурган қарашлари кўп жиҳатдан ҳозирги ўзбек адабий тили мисолида ўз ифодасини топган [Зоҳирий А., 1929]. Унда адабий тил халқ жонли тили заминига қурилиши зарурлиги алоҳида таъкидланган. Имлони халқчиллаштириш - миллий тил табиатига мувофиқлаштириш Ашурали Зоҳирийнинг асосий ғояси бўлган.

Ашурали Зоҳирий тилшунослик мероси орасида энг салмоқли ўрин тутадигани, шубҳасиз, унинг 1927-1928 йилларда нашр этилган «Русча-ўзбекча мукаммал луғат»идир. Луғат икки жилддан иборат бўлиб, 34 минг сўзни ўз ичига олган. Бу луғат миллий тилнинг лексик меъёрларини белгилашда катта аҳамиятга эга бўлди. Ўзбек грамматикасининг айрим назарий масалалари унинг 1920 йиллардаги мақолаларида таҳлил қилинган. Луғатда эса энди сўзларнинг тайёр шакллари уларнинг аниқ мазмуни ва қўлланиши билан берилган. Шу ўринда Ашурали Зоҳирийнинг илмий терминологияни амалий ишлаб чиқишдаги хизматларини қайд этиш лозим. Луғатда грамматик категорияга оид қўллаб мисолларни топамизки, уларга таяниб А.Зоҳирийнинг грамматик категориялар ҳақидаги қарашларини кузатиш мумкин. Албатта, ушбу луғатнинг талай камчиликлари бор. Унда сўзларнинг кўп

маънолилиги ажратилмаган. Таржималарда ҳам баъзи ноаниқлик ва хатолар мавжуд. Шунга бўлса-да, Ашурали Зоҳирийнинг ушбу иши ўзбек тилида биринчи мукаммал таржима лугат сифатида ўз даврининг амалий ҳамда илмий талабларига жавоб бера олган.

Ашурали Зоҳирий ўз даврининг таниқли тилшунос олими сифатида Тил-имло қурултойи (Тошкент, 1921), Ўзбек маданият ва маориф ходимларининг ўлка қурултойи (Тошкент, 1922), Туркиёт қурултойи (Боку, 1926), лотин алифбони қабул этишга бақишланган Ўрта Осиё илмий анжуманларида (Самарқанд, 1927) фаол иштирок этган.

Ашурали Зоҳирий ўзбек журналистикаси ривожига ҳам катта ҳисса қўшган. У «Садойи Фарғона» (1914), «Халқ газети» (1918-19), «Меҳнат байроғи» (1921), «Фарғона», «Янги Фарғона» (1921-1930) газеталарида адабий ходим бўлим ишлаб, «Хизмат қаҳрамони» бўлган (1923). Ўзбек адабий тилининг шаклланишида матбуот тилининг ўрни катта эканлиги доим унинг диққат марказида турган.

1910 йиллардан Туркистон вақтли матбуотида фаол қатнаша бошлаган. «Она тили» («Садойи Фарғона», 1914 й., 13 апрел), «Марҳум Исмоилбек қандай ишлар қилган?» («Садойи Фарғона», 1914 й., 60-сон), «Хукумат ўзгариши» («Юрт», 1917 й., 1-сон), «Миллий ишлар комиссари Тожхўжа афандининг «Фикҳа жамияти»га берган саволи муносабати ила» («Улуғ Туркистон», 1918 й., 110-сон), «Имло масаласи ҳақида иккинчи турли мулоҳаза» («Иштирокиюн», 1919 й., 19 июнь.), «12-фирқа қурултойида миллатлар масаласи» («Фарғона», 1923 й., 13 май), «Ўтканларга бир қараш» («Фарғона», 1923 й., 100-сон), «Бир йил тўлди» («Фарғона», 1924 й., 199-сон), «Олти ойлик ўзбек адабиёти (босма сўзи)га бир қараш» («Фарғона», 1924 й., 21 июнь), «Ўзбеклар» («Фарғона», 1926 й., 346-сон), «Туркиёт қурултойи тўғрисида» («Фарғона», 1926 й., 384-сон), «Келурнома» («Маориф ва ўқитқучи», 1927 й., 9-10 сонлар), «Тил ва имло масаласи» («Қизил Ўзбекистон», 1929 й., 29 март) каби кўплаб мақолалар ёзган. Уларда замоннинг энг долзарб масалалари: она тили муҳофазаси, маданий-дунёвий маърифат, янгича таълим-тарбия, миллий уйғониш, ҳурият, тараққиёт, миллий давлатчилик ғоялари, шунингдек, олимнинг тилшунослик, адабий-танқидий қарашлари акс этган.

Ашурали Зоҳирийнинг вафоти санасига (1937) қўз ташлаган киши унинг ҳам тақдири Мунаввар қори, Абдулла Қодирий, Фитрат ва Чўлпон сингари юзлаб зиёлиларимиз қисматидек

кечгани, у ҳам мустабид тузум қурбони бўлганини англайди. У дастлаб 1930 йил 31 декабрда қамокқа олиниб, 10 йилга ҳукм қилинди. Москва-Волга канали қурилишида яхши ишлаб, муддатидан олдин 1934 йилнинг ноябрида қайтган. Аммо 1937 йилда тақрор ҳибсга олиниб, отилган.

Ашурали Зоҳирий миллий уйғониш даврининг кўзга кўринган маърифатпарвар зиёлиси ва истиқлол курашчисидир. У ўзидаги бор истеъдод ва иқтидорини миллий мустақиллик йўлига бахшида этди. Халқни маърифат йўли билан тарбиялашда муҳим бўлган миллий мактаб-маорифни ташкил қилишда, матбаачилик, журналистика ва яна бошқа соҳаларда фидокорона хизмат қилган. Олим она тили - миллий ўзбек тили жонқуяри, ҳимоячиси, етук тилшунос олим сифатида муносиб ном қолдирган.

Зоҳирий Туркистон мустақиллиги йўлида ўлкада кечган барча ижтимоий ва сиёсий ҳаракат ва курашларнинг фаол иштирокчиларидан бири эди. Туркистон мухтор ҳукумати ўз нашри афкори "Эл байроғи" газетаси муҳаррирлигини бсжиз унга ишониб топширмади.

Ашурали Зоҳирийнинг номи миллий истиқлол учун курашганлар қаторидан муносиб ўрин олган.

АДАБИЁТЛАР

Ашурали Зоҳирий. Редакцияга мактуб // Туркистон вилоятининг газети, 1910 й. №82. Садои Фарғона, 1914 йил.

Валидий З. Хотиралар. Шарқ юлдузи жур., 1993 йил, 5-6 сон.

Зиё Саид. Танлаган асарлар.-Т., 19974.

Хўқандда усули савтия муаллимлари// Ойна жур., 1914.-№12.

Ўзбек адабиёти тарихи. 5-жилд. -Т.: 1980.

Фитрат. Сарф. - Сам.-Тош.: Ўзбекистон давлат нашриёти, 1927.

Олимий Л. Қизил матбуотимизнинг ҳозирги ҳоли// Фарғона газ. - 1924. -№181.

Сулаймон А., Зоҳирий А.. Адабиёт парчалари. -Т.: 1926.

Саъдий А.Ўзбек ёш шоирлари. Нашрга тайёрловчи Баҳодир Карим // Ватан газ. -1996. -5 декабр.

Зоҳирий А. Тил ва имло масаласи// Қизил Ўзбекистон. -1929. -29 март.